

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИК ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc03/30.09.2020.K.82.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ЧИРЧИК ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АБДУРАХМАНОВА САИДА САБИДОВНА

ФЕНИЛАЦЕТИЛЕН ВА АЙРИМ АЛЪДЕГИДЛАР АСОСИДА
АЦЕТИЛЕН СПИРТЛАРИ КАТАЛИТИК СИНТЕЗИ ТЕХНОЛОГИЯСИ

02.00.03 – Органик кимё

КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Чирчик – 2021

УЎТ: 547.241.281.362.381.661.7.8.678.727.662

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
химическим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
Chemical sciences

Абдурахманова Саида Сабидовна Фенилацетилен ва айрим альдегидлар асосида ацетилен спиртлари катализик синтези технологияси.....	3
Абдурахманова Саида Сабидовна Технология катализического синтеза ацетиленовых спиртов на основе фенилацетилена и некоторых альдегидов.....	21
Abdurakhmanova Saida Technology for the catalytic synthesis of acetylenic alcohols based on phenylacetylene and some aldehydes.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	42

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc03/30.09.2020.K.82.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АБДУРАХМАНОВА САИДА САБИДОВНА

ФЕНИЛАЦЕТИЛЕН ВА АЙРИМ АЛЬДЕГИДЛАР АСОСИДА
АЦЕТИЛЕН СПИРТЛАРИ КАТАЛИТИК СИНТЕЗИ ТЕХНОЛОГИЯСИ

02.00.03 – Органик кимё

КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Чирчиқ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/K187 рақам билан рўйхатга олинган.
Диссертация Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтинда бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.csrp.uz:ilmiy-kengash) ва «Ziynet» Аxborot-ta'lim порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Зиридудлаев Одижон Эгамбердиевич
кимё фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Махсумов Абдухамид Гафурович
кимё фанлари доктори, профессор

Тўрғунов Эркин

кимё фанлари доктори, доцент

Етлакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация химояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини ҳузуридаги DSc.03/30.09.2020.K.82.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «14» XII сент. 14 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (0370) 716-68-05, факс (0370) 716-68-11; e-mail: tvchdri_k.kengash@mail.uz).

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Аxborot-ресурс марказида танишish мумкин (62 рақамли билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111720, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (0370) 716-68-05, факс (0370) 716-68-11; e-mail: tvchdri_k.kengash@mail.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «13» XII даги 13 XII кунга тарқатилди.

(2021 йил «13» XII даги 13 XII рақамли реестр баённомаси).



Д.А.Гафурова
Илмий даражадор берувчи Илмий кенгаш
раиси, к.ф.д., доцент
Г.К.Отамуҳамедова
Илмий даражадор берувчи Илмий кенгаш
ишчи котиби к.ф.д. (PhD)

А.Г.Махсумов
Илмий даражадор берувчи Илмий кенгаш
қўшиқдори илмий семинар раиси,
к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда углеводородлар асосида органик моддалар синтез қилишда янги инновацион технологияларни жорий қилиш орқали юқори эҳтиёжга эга препаратларни ишлаб чиқариш йилдан йилга ортиб бормокда. Табиий хом-ашёлардан ацетилен спиртлари синтез қилишда фаол катализаторларни қўллаш, жараёнларни назорат қилишнинг технологик ҳисоблашларини амалга ошириш, ацетилен спиртларидан резина-техника, лок-бўёқ саноатида, медицина ва қишлоқ хўжалигида юқори сифатли препаратлар олишда ишлатиш, уларнинг таркибига функционал гуруҳлар киритиш орқали қўллаб янги моддалар синтез қилиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда тўйинмаган спиртлар ва диолларни янги каталитик системалар ёрдамида синтез қилиш, маҳсулот унумига турли омиллар таъсирини ўрганиш, ишлаб чиқариш технологияларини яратиш ва қўлланиш соҳаларини аниқлаш юзасидан кенг камровли тадқиқотлар бажарилмоқда. Бу борада, ацетилен спиртларини синтез қилиш, ишлаб чиқариш технологияларини яратиш, уларнинг кимёвий, энергетик ва механик хоссалари, таркиби ва тузилишини аниқлаш, улар асосида янги биодидлар, ингибиторлар, эритувчилар ва полимерлар синтез қилиш ҳамда физик-кимёвий хоссаларини аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда дунё бозорига рақобатбардош янги турдаги кимёвий моддалар синтез қилишда маҳаллий хомашё ва чиқиндилардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришда маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш, экспортга мўлжалланган импорт ўрнини босувчи бирикмаларни олиш усулларини яратиш, улардан нефть-газ, кимё, қурилиш, фармацевтика ва энергетика саноатида қўлланилиш соҳаларини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «мушлақо янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, шу асосда ташқи ва ички бозорларда рақобатбардош маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлаш»! бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада ацетилен углеводородлари ёрдамида янги ацетилен спиртлари ва улар асосида олинган ҳосилаларни синтез қилиш технологияларини ишлаб чиқиш, уларнинг таркиби, тузилиши, физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш ва улардан кимё, нефть-газ ҳамда резина-техника саноатида ингибиторлар сифатида фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 августдаги ПҚ-4805-сон «Кимё ва биология йўналишларида узлуқсиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

25 октябрдаги ПҚ-3983-сон “Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари” ва 2018 йил 17 январдаги ПҚ-3479-сон “Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг талаб юқори бўлган маҳсулот ва хомашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон “Кимё саноатини янада ислох қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа метёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё» технологиялари ва нанотехнологиялари устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фаворский реакцияси бўйича юқори асосли катализик системалар ёрдамида, Гриньяр-Йоич реакцияси ёрдамида магний органик бирикмалар асосида, диэтилэтил асоси бўйича аминлардан ацетилен спиртлари, улар асосида оддий ва мураккаб эфирлар синтез қилинган, лекин таркибда оғир металллар сақлаган катализаторлар ёрдамида фенилацетилен асосида ацетилен спиртлари, уларнинг винил ва винилокси эфирлари синтези, ишлаб чиқариш технологиялари амалга оширилмаган, ҳосил бўлган бирикмаларнинг квант-кимёвий кўрсаткичлари, биологик фаолликлари ва қўлланиш соҳалари ўрганилмаган.

Хорижда, ушбу йўналишда Е.Г.Шмидтнинг илмий ишлари ацетилен спиртлари ишқорий металллар асосидаги катализик системалар асосида синтез қилинган. Ацетилен спиртларини синтез қилишда Fatma Lazreg катализик фаол катионли комплексларни қўллаш, Gui Lu ва David Moore ассиметрик алкиниловчи катализик компонентлардан фойдаланиш, Baigu M. Trost қўш лигандли катализик промоторлар ишлатиш, Л.В.Снегур элемент органик бирикмалар асосида тўйинмаган спиртлар олиш, А.А.Fignani ацетилен спиртларидан темир ва пулат материалларини кислотали коррозиясига қарши ингибиторлар яратиш, Yipeng Xi юқори сифатли бензин ишлаб чиқаришда қўллаш орқали ушбу йўналишнинг ривожланишига улкан ҳисса қўшганлар.

Республикада ацетилен бирикмалар кимёси ва технологияси йўналишида бир қатор олимлар илмий изланишлар олиб бормоқда. Жумладан, А.Г.Махсумов ацетилен спиртлари гетероциклик ҳосиллари синтези ва биологик фаолликлари, Э.Тургунов томонидан Гриньяр-Йоич ва Зандмеер реакциялари асосида бирламчи, иккиламчи, учламчи ацетилен спиртлари ва диоллари синтези, А.Икромов турли хил гетероген-катализик системалар ёрдамида ароматик ацетилен спиртларини ацетилен билан реакциялари ва технологиялари, С.М.Турбонжов бир қатор ацетилен спиртларининг фосфатли тузлари синтези, Р.В.Аликулов маҳаллий сарик савринжон (*Colchicum luteum*) ўсимлигидан ажратиб олинган колхаминнинг айрим ацетилен спиртлари билан реакциялари асосида биологик фаол бирикмалар олиш устида илмий ишлар олиб бормоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №Ф3-20170926416 “Маҳаллий хом-ашёлар асосида олинган ионглар иштирокида технология эритмалар ва оқава сувлари таркибидан металл ионларини ажратиб олиш” (2018-2020 йй.) фундамента лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади турли катализик системалар ёрдамида ацетилен спиртлари, уларни винил эфирлари синтези ва технологиясини ишлаб чиқиш, синтез қилинган бирикмаларнинг қўлланиш соҳаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Фенилацетилен ва альдегидлар асосида янги катализик системалар ёрдамида ацетилен спиртларини синтез қилиш усулларини ишлаб чиқиш;

ацетилен спиртлари синтези реакциялари механизми ва химизмининг тақлиф этиш, жарасёнларни бошқариш ва назорат қилиш тартибларини аниқлаш ва муқобил шароитларини аниқлаш;

танланган альдегидлар табияти асосида ацетилен спиртларини синтез қилишнинг нисбий самардорлик каторини, қўлланилган комплекс катализик системаларнинг нисбий катализик фаоллик каторини ишлаб чиқиш;

ацетилен спиртларини ишлаб чиқариш технологияларини яратиш, уларнинг нефть-газ ва кимё саноатида мақсадли қўлланиш соҳаларини тадқиқ қилиш ва амалиётга жорий этиш;

ацетилен спиртлари винил эфирларини гомоген ва гетероген катализик усулларда синтез қилиш ва уларнинг биологик фаоллигини аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида фенилацетилен, ацетилен, сирка альдегиди, кротон альдегиди, циклогексан карбальдегид, бензальдегид, ацетилен спиртлари, винил эфирлар, комплекс катализик системалар олинган.

Тадқиқотнинг предметини ацетилен спиртлари, уларнинг винил ва винилокси эфирлари, курутувчи, катализатор ва эригүвчилар ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида синтез, катализ, виниллаш, спектроскопия (ИК-, ^1H - ЯМР, ^{13}C - ЯМР, Br- ЯМР, ар- ЯМР, масс-спектрометрия), хроматография (ЮКХ, КХ) усуллари, квант-кимёвий ва элемент таҳлили ва биологик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

$\text{Sn}(\text{OTf})_2/\text{NEt}_3/\text{MeCN}$, $\text{Zn}(\text{OTf})_2/\text{NEt}_3/\text{MeCN}$, $\text{ZnEt}_2/\text{Ti}(\text{O}^i\text{Pr})_4/\text{PhMe}$, $\text{EtMgBr}/\text{Ti}(\text{O}^i\text{Pr})_4/\text{PhMe}$, $\text{CsOH}/\text{NH}_3/\text{CH}_3\text{OH}$ комплекс катализик системалар ёрдамида илк бор фенилацетилен ва айрим альдегидлар асосида ацетилен спиртларини синтез қилиш усуллари ишлаб чиқилган;

альдегидларни этиниллаш реакцияларининг фаоллашиш энергиялари, кинетик тенгламалари, материал баланслари, техник талаблари ҳисобланган, реакция механизми тақлиф этилган, технологик регламент ишлаб чиқилган;

альдегидлар молекуласидаги радикаллар ҳажми ва сонининг маҳсулот унумига таъсири асосида ацетилен спиртларининг ҳосил бўлиш самардорлик

катори, жараён селективлиги асосида қўлланилган комплекс каталитик системаларнинг нисбий каталитик фаоллик катори ишлаб чиқилган.

Илк бор юқори асосли каталитик системада ацетилен спиртларини синтез қилиш технологияси яратилган;

ацетилен спиртларини алкиллар билан реакциялари асосида винил эфирларни синтез қилишнинг гомоген ва гетероген каталитик усуллари аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

ацетилен спиртлари ва уларнинг винил эфирларини турли хил комплекс каталитик системалар ёрдамида синтез қилишнинг самарали усуллари ва технологиялари ишлаб чиқилган, уларнинг хусусий, физик-химёвий, энергетик, квант-химёвий ва спектрал характеристикалари аниқланган;

ацетилен спиртларидан нефть ва нефть маҳсулотлари таркибидagi олтингугурт, меркаптанлар, сульфидлар ҳамда дисульфидларни комплекс ажратиб олувчи ингибиторлик хоссалари аниқланган;

синтез қилинган ацетилен спирти 4-фенилбутин-3-ол-2 нинг кимё саноати корхоналари айланма оқава сувлари таркибидa қатлам (қўйқа) ҳосил қилувчи компонентлар (тузлар)га қарши юқори селектив йонитлик хоссалари аниқланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги замонавий ИҚ, ¹H-ЯМР, ¹³C-ЯМР, bγ- ЯМР, ар- ЯМР спектроскопия, масс спектрометрия, хроматография (ЮҚХ, КХ), квант-химёвий, биологик ва бошқа тадқиқот усулларидан олинган натижалар асосида ишончли тарзда таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ацетилен спиртларини синтез қилишда эритувчилар роли, каталитик фаол марказ ва молекулаларни ҳосил бўлиши, альдегидлар табиати, молекуласини тузлиши, массаси, ҳамда формил гуруҳига боғланган радикаллар фазовий таъсири, уларнинг симметрик ёки носимметрик ҳолати, электрон булутлар зичлиги ва жойлашуви, реакцияда карбокатион ва карбоанионлар ҳосил бўлиш даври, технологик жараёнларни бошқариш, назорат қилиш каби мезонлар таъсири илмий қонуниятлар сифатида кўрсатиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ацетилен спиртларини синтез қилиш усуллари ва технологиялари ишлаб чиқилган, илк бор ацетилен спиртларидан ёқилги маҳсулотлари октан сонини оширувчи, оқава сувларни қатлам ҳосил қилувчи тузлардан тозаб технологик қурилмалар фойдали иш коэффисиентини оширувчи ингибиторлиги аниқланганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги. Фенилацетилен ва айрим альдегидлар асосида ацетилен спиртлари каталитик синтези технологияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

синтез қилинган ацетилен спиртлари нефть маҳсулотлари олтингугуртли бирикмаларни комплекс ҳосил қилиш орқали тозаловчи ингибиторлар сифатида “Фаргона нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ да амалиётга жорий этилган (“O‘zbekneftegaz” АЖ нинг 2021 йил 30 июндаги №28-1-01/697-сон

маълумотномаси). Натижада нефть таркибидagi олтингугуртли бирикмалар миқдорини 52% гача камайтириш имконини берган;

синтез қилинган ацетилен спиртлари саноат оқава сувлари қўйқа ҳосил қилувчи тузларга қарши ингибиторлар сифатида “Ohangonsement” АЖ да амалиётга жорий этилган (“Ohangonsement” АЖ нинг 2020 йил 28 августдаги №АТЦ-473-сон маълумотномаси). Натижада саноат корхоналари технологик қурилмаларида қатлам ҳосил бўлишини 89% гача камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари асосида жами 21 та, jumладан, 18 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шундан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола республика, 4 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузлиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар руйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўқазилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузлиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг “Ацетилен спиртларининг олиниши, хоссалари, ишлаб чиқариш технологиялари ва қўлланилиши” деб номланган биринчи бобида ацетилен спиртлари (АС) ни синтез қилиш усуллари, кимёвий ўзгаришлари, ишлаб чиқариш технологиялари ва қўлланиш соҳалари бўйича ўрганилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлил қилинган.

Адабиёт маълумотлари таҳлилига кўра молекуласида карбонил гуруҳи сақлаган органик бирикмаларни алкиллар билан этиллаш реакциялари асосида саноатнинг турли соҳаларида кенг қўлланивчи ацетилен спиртлари ва уларни винил ҳосилаларини олиш имконини беради. Юқори унум билан ацетилен спиртлари ва улар асосида истиқболли бирикмаларни синтез қилиш ва ишлаб чиқаришда эритувчилар ҳамда катализаторлар таъсири шарҳланган. Шунингдек АС кимёси ва технологияси бўйича хорижий ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг илмий изланиш ишлари натижалари умумлаштирилган, илмий-таҳлилий хужусалар асосида диссертация ишининг мақсади, вазифалари, долзарблиги ва муҳимлиги белгилаб берилган.

Диссертациянинг "Ацетилен спиртлари ва уларни хосилаларини синтез қилиш усуллари" мавзусидаги иккинчи бобида АС ва уларни хосилаларини синтез қилишда фойдаланилган бошланғич моддалар, катализатор, эритувчи ва қуригувчиларнинг физик катталиклари ва хусусий хоссалари келтирилган. АС ва улар асосида олинадиган винил эфирлари (ВЭ) ни синтез қилиш усуллари баён қилинган.

Диссертациянинг "Ацетилен спиртлари ва уларнинг винил хосилаларини турли каталитик системалар ёрдамида олиниши" номидаги бобида танланган АС ва уларнинг винил хосилаларини турли каталитик системаларда синтез қилиш реакциялари ўрганилган ва олинган тадқиқот натижалари тахлил қилинган.

Ti(OⁱPr)₄ асосидаги каталитик системалар ёрдамида ацетилен спиртларининг олиниши: Ti(OⁱPr)₄ асосидаги каталитик системалар- ZnEt₂/Ti(OⁱPr)₄/PhMe ёки EtMgBr/Ti(OⁱPr)₄/PhMe ёрдамида сирка альдегиди, кротон альдегиди, циклогексанкарбальдегид ва бензальдегидни фенилацетилен (Pha) билан этиниллаш реакцияси асосида қуйдаги АС- 4-фенилбутин-3-ол-2 (1), 1-фенилгексен-4-ин-1-ол-3 (2), 1-циклогексил-3-фенилпропин-2-ол-1 (3) ва 1,3-дифенилпропин-2-ол-1 (4) ни синтез қилиш реакциялари ўрганилди. Жараёнинг реакция схемаси ва механизми қуйдагича тахлил этилди.





Реакция механизми: (Намуна сифатида 4 синтез келтирилди). ZnEt₂/Ti(OⁱPr)₄/PhMe каталитик система ёрдамида Pha га бензальдегид таъсир этирилганда реакция бир вақтнинг ўзида уч йўналишда бориши мумкин.

Дастлаб Ti(OⁱPr)₄/PhMe эритмасида ZnEt₂ билан таъсирлашиб, стабил каталитик компонент EtTi(OⁱPr)₃ хосил қилади.

Хосил бўлган EtTi(OⁱPr)₃ бензальдегид билан бирикши реакцияга киришиб каталитик фаол оралик бирикмага айланади. Pha нинг

ҳаракатчан водороди каталитик компонент молекуласидаги этил радикалига, фенилгидрокарбонил радикали эса танкис электрон зичлиги эга углеводга бириккади.

Натижада дастлаб АС нинг триизопропилокситан хосиласи, сўнгра EtZnOⁱPr таъсирида 1,3-дифенил-пропин-2-ол-1 хосил бўлади.




Жараёнинг

кейинги йўналишида (параллел равишда) дастлаб PhMe эритмасида Ti(OⁱPr)₄ Pha билан таъсирлашиб PhCSTi(OⁱPr)₃ ни хосил қилади ва ушбу каталитик компонентга бензальдегиднинг бирикши натижасида мос равишдаги ацетилен спирти алкоголятга, кейин 3-дифенилпропин-2-ол-1 га айланади.

Жараёнинг учинчи йўналишида ZnEt₂ Pha билан таъсирлашиб, рух этилфенил-ацетиленидни хосил қилади, сўнг бензальдегид билан нуклеофил бирикшиб оралик бирикма бўлган алкоголятга айланади. Бунда оралик компонент микдори юқори бўлса, маҳсулот хосил бўлиш самардорлигининг ортишига ҳизмат қилиши кузатилади. Бир вақтнинг ўзида оралик компонент гидролизга учраши, ҳамда системадаги этан билан таъсирлашиб 1,3-дифенилпропин-2-ол-1 хосил қилиди.

АС синтези жараёни учун энг муқобил шароитни топиш мақсадида танланган альдегидларни этиниллаш реакцияларига ҳарорат (-25÷20 °С), реакция давомийлиги (120÷600 минут), бошланғич моддалар, каталитик системалар (ZnEt₂/Ti(OⁱPr)₄, EtMgBr/Ti(OⁱPr)₄), эритувчилар (PhMe, ТГФ, Et₂O) табиати ва микдори таъсирлари тизимли равишда таъсир ўрганилди.

АС синтез қилиш жараёнига ҳароратнинг таъсири тадқиқ қилинди.



1-расм. АС унумига ҳарорат таъсири (эритувчи PhMe, реакция давомийлиги 360 минут)

Танланган каталитик системаларда реакциялар -10°C ҳароратда олиб бориладиганда АС максимум унум билан синтез қилинди. Ҳарорат -25°C қилиб олинганда системадаги каталитик фаол марказларнинг беқарорлашуви, реакция хона ҳароратида олиб бориладиганда эса системадаги молекулалар ҳаракат тезлигининг камайиши, юқори энергияга эга фаол молекулалар кам миқдорда ҳосил бўлиши, $\text{Ti}(\text{O}i\text{Pr})_4$ димерланиб қисман каталитик фаоллигини йўқотиши натижасида АС унумини камайиши кузатилди.


Альдегидларни Pha билан алкиниллаш жараёнлари 120 дан 600 минут интервалларида ўрганилганда, АС энг юқори унум билан реакция 360 минутда олиб бориладиганда синтез қилинди. Реакция 120 минутда ўтқизилса катализаторлар фаоллиги, Pha эрувчанлиги ва диссоциациялаши юқори чўққига чиқмаслиги ёки реакция вақти 420 дан 600 минутгача узайтирилса системада алкогюллар, ацеталлар ва винилокси эфирлар ҳосил бўлиб АС унуми самарадорлигига салбий таъсир қилиши аниқланди.

АС синтез жараёнига PhMe, TiF_3 , Et_2O каби эритувчилар таъсири ўрганилди. АС унуми PhMe эритмасида энг юқори чикди. PhMe жараёнда реагент сифатида реакцияга кириша олмаслиги, молекуласида ҳалқа бўйлаб π -электронларини делокалланиши содир бўлиб маълум қисм энергиянинг камайиши натижасида қўшимча маҳсулотлар кам ҳосил бўлиши кузатилди.

Танланган каталитик системаларда ZnEt_2 га нисбатан EtMgBr молекуласида электроманфийлиги юқори бўлган бромнинг таъсири натижасида молекула кўтланган ҳолатга ўтади ва кучли диссоциациялашига учраб АС унумини ўсиши аниқланди. Жумладан, $\text{ZnEt}_2/\text{Ti}(\text{O}i\text{Pr})_4$ системасида 1-84,4%, 2-72%, 3-77,5% ва 4-88,8% $\text{EtMgBr}/\text{Ti}(\text{O}i\text{Pr})_4$ системасида эса нисбатан юқори 1-86%, 2-82%, 3-83% ва 4-91% унумда синтез қилинди.

$\text{Ti}(\text{O}i\text{Pr})_4$ асосидаги каталитик системаларда АС синтез қилиш жараёни учун энг муқобил шароит топилиди. Унга кўра катализатор $\text{EtMgBr}/\text{Ti}(\text{O}i\text{Pr})_4$ (3:0,25 моль нисбатда), эритувчи PhMe, ҳарорат -10°C , реакция давомийлиги 360 минут, бошлангич маҳсулотлар 3:1 нисбатда олинган ҳолат танланди. АС тузилиши спектроскопия усулида тахлил қилинди. 1- $R_f = 0,47$; (86%); ^1H -NMR (CDCl_3): δ 7.18-7.27 (m, 5H, ArH), 4.78 (d, $J=6.5$ Hz, 1H, CHOH), 2.05 (d, 1H, OH), 1.56 (d, $J=7.0$ Hz, 3H, CH_3OH). ^{13}C -NMR: δ 131.7, 128.3, 127.7, 91.3,

83.8, 58.6, 24.4; 2- $R_f = 0,52$; (82,4%); ^1H -NMR (CDCl_3): δ 1.14-1.23 (m, $=\text{CH}-\text{CH}_3$), 4.13-4.21 (m, $>\text{CH}-\text{OH}$), 5.2 (d, 1H, OH), 5.53-5.71 (m, $-\text{CH}=\text{CH}-$), 5.91-6.27 (d, $J=5.8$ Hz, $=\text{CH}-\text{CH}_3$), 6.45 (m, 2H), 7.62 (m, 3H). ^{13}C -NMR: δ 122.1, 116.8, 117.2, 96.3, 88.4, 67.5, 21.2; 3- $R_f = 0,43$; (83,1%); ^1H -NMR (CDCl_3): δ 7.45-7.41 (m, 2H), 7.33-7.28 (m, 3H), 4.38 (t, $J=5.9$ Hz, 1H), 1.95-1.90 (m, 2H), 1.86-1.78 (m, 3H), 1.72-1.64 (m, 2H), 1.32-1.11 (m, 5H). ^{13}C -NMR (CDCl_3): δ 131.7, 131.7, 128.27, 128.24, 122.8, 89.3, 85.7, 67.7, 44.3, 28.6, 26.4, 25.92, 25.90; 4- $R_f = 0,39$; (90,8%); ^1H -NMR (CDCl_3): δ 7.82-7.74 (m, 2H), 7.55-7.42 (m, 6H), 5.88 (d, $J=5.8$ Hz, 1H), 2.42 (d, $J=5.9$ Hz, 1H). ^{13}C -NMR: δ 140.4, 131.2, 128.3, 128.7, 128.3, 128.2, 126.6, 122.5, 88.5, 86.8, 65.2.




2-расм. ^1H -NMR спектри

3-расм. ^{13}C -NMR спектри


Sn ёки $\text{Zn}(\text{OTf})_2/\text{NEt}_3/\text{MeCN}$ асосидаги каталитик системалар ёрдамида ацетиллен спиртларнинг олиниши: $\text{Sn}(\text{OTf})_2/\text{NEt}_3/\text{MeCN}$ ва $\text{Zn}(\text{OTf})_2/\text{NEt}_3/\text{MeCN}$ каталитик системалар ёрдамида Pha нинг танланган альдегидлар билан реакцияси асосида 1-4 синтез қилинди.



Жараён химизми: (Намуна сифатида 2 синтези келтирилди). АС синтез қилишда дастлаб $\text{Sn}(\text{OTf})_2$ Pha учбоғига ориентацияон таъсир этиб, Н атоми ҳаракатчанлигини ошириб, π -комплекс ҳосил қилади.




Оралик маҳсулот молекуласидаги SnOTf^+ катионнинг ҳаракатчанлиги фаол бўлганлиги учун кротон альдегиди молекуласидаги ксилород атомига кучли ҳужум қилиши натижасида ацетиллен спиртининг қайлай трифторметилсульфонатли тузига айланиб, сўнгра бу туз гидролизга учраши натижасида 1-фенилгексен-4-ин-1-ол-3 ни ҳосил қилади.



Sn ёки $\text{Zn}(\text{OTf})_2$ асосидаги каталитик системалар ёрдамида АС синтез қилиш реакциялари 40-80 минут интервалларда ўрганилди. Реакция 60 минут давомида олиб борилганда $\text{Sn}(\text{OTf})_2$ да 1-87; 2-84; 3-86 ва 4-92%, $\text{Zn}(\text{OTf})_2$ да эса 1-91; 2-87; 3-89 ва 4-94% унум билан энг юқори самарадорликда синтез қилинди, реакция давомийлиги 80 минутга ортиси билан системада алкоголятлар, ацетиленидлар ва полимер маҳсулотлар ҳосил бўлиши АС унумининг $\text{Sn}(\text{OTf})_2$ да 1-5; 2-13; 3-8 ва 4-6% га, $\text{Zn}(\text{OTf})_2$ да эса 1-6; 2-8; 3-8 ва 4-7% га камайишига олиб келди.

Танланган альдегидларни турли эритувчилар- ДМСО, MeCN, ДМФА, Me_2CO иштирокида энантиоселектив алкиниллаш реакциялари ўрганилди. MeCN молекуласида тақсимланмаган жуфт электронларга ва юқори диэлектрик ўтказувчанликка эгалиги хисобига системада металл катионларни осон сольватлаб, Pha ва альдегидларни ўзаро фазовий тўқнашуви учун қўлай муҳит яратиб АС унумининг орттишига хизмат қилди. Тадқиқот натижалари, АС унуми, реакция тезлиги, жараён селективлиги асосида эритувчиларнинг нисбий самарадорлик катори- $\text{Me}_2\text{CO} < \text{DMFA} < \text{DMSO} < \text{MeCN}$ аниқланди.




4-расм. АС унумига эритувчи табиати таъсири (реакция вақти 60 мин., Pha:катализатор:RCHO микдори 2:1:2 моль нисбатда, ҳарорат 5 °C)

АС синтез қилишда маҳсулот унумига ҳарорат (-20 ÷ 20 °C) таъсири ўрганилганда 5 °C ҳароратда Pha ва альдегидлар молекулаларида ҳаракат тезлигининг кучайиши, юқори энергияга эга фаол молекулалар ҳосил бўлиши, барқарор қалай ёки рух фенилацетиленидлар билан алкоголятлар микдорининг орттиши нуклеофил бирикшиш реакциялари учун қўлай шароит яратиб АС максимум унум билан синтез қилишга эришилди.

$\text{Sn}(\text{OTf})_2$ га нисбатан $\text{Zn}(\text{OTf})_2$ да амфотерлик хоссабини юқорилиги АС синтез қилишда системада кучли кислотали муҳитни бериши натижаида реагентлар кучли фаолланган ҳолатда бўлиши хисобига маҳсулот унумини юқори бўлишини таъминлади. Олинган натижаларга кўра, жараён учун энг муқобил шароит топилиди, яъни реакция MeCN эритмасида, 5 °C ҳароратда,

60 минут давомида катализатор микдори бошланғич моддаларга нисбатан 0.25 моль нисбатда олиб борилганда АС максимум унум билан синтез қилинди. Синтез қилинган АС хромато-масс спектр натижалари ўрганилди.




5-расм. 1 хромато-масс спектри

6-расм. 4 хромато-масс спектри

АС тузилиши ИҚ-спектроскопик усулда ўрганилди. 1 ИҚ-спектрида: 3400-3200 cm^{-1} (-OH), 3080; 3056; 3030 cm^{-1} ($\text{C}_\text{Ar}-\text{H}$), 2960-2870 cm^{-1} ($-\text{CH}_3$), 2234 cm^{-1} ($-\text{C}\equiv\text{C}-$) ва 1597-1440 cm^{-1} ($-\text{C}=\text{C}-$) $_\text{Ar}$ боғнинг валент тебранишлари кузатилиди. 2 нинг қўйидагича ютилиш соҳалари: 3400-3200 cm^{-1} (-OH), 3084; 3055; 3020 cm^{-1} ($\text{C}_\text{Ar}-\text{H}$), 2970; 2940; 2880 cm^{-1} ($-\text{CH}_3$), 2240 cm^{-1} ($-\text{C}\equiv\text{C}-$), 1675 cm^{-1} ($-\text{C}=\text{C}-$) 1592-1482 cm^{-1} ($-\text{C}=\text{C}-$) $_\text{Ar}$ боғнинг валент тебраниши кузатилиди. 3 нинг ютилиш соҳалари: 3400-3200 cm^{-1} (-OH), 3085; 3050; 3020 cm^{-1} ($\text{C}_\text{Ar}-\text{H}$), 2926-2854 cm^{-1} ($-\text{CH}_2$), 2236 cm^{-1} ($-\text{C}\equiv\text{C}-$), 1595-1484 cm^{-1} ($-\text{C}=\text{C}-$) боғнинг валент тебраниши кузатилиди. 3450-3200 cm^{-1} (-OH), 3080; 3055; 3025 cm^{-1} ($\text{C}_\text{Ar}-\text{H}$), 2890 cm^{-1} (-CH), 2225 cm^{-1} ($-\text{C}\equiv\text{C}-$), 1585; 1560; 1460 cm^{-1} ($-\text{C}=\text{C}-$) $_\text{Ar}$ боғнинг валент тебраниши 4 га тегишлилиги кузатилиди.

$\text{CsOH}/\text{NH}_3/\text{CH}_3\text{OH}$ каталитик системасида ацетилен спиртларини олиниши: Метанол эритмасида суяқ аммиак ва CsOH иштирокида АС синтез қилиш реакция схемаси ва механизми қўйидагича тақлиф этилди.



Синтез қилинган АС унумига танланган альдегидларнинг табиати, унинг молекуласини фазовий тузилиши ва оптик фаоллиги таъсири ўрганилди. АС ҳосил бўлиш самарадорлиги ва кимёвий реакциялар боришига ҳарорат, реакция давомийлиги, эритувчилар ва катализаторлар табиати, бошланғич моддалар концентрацияси ҳамда моль микдорлари таъсири ўрганилди. Этиниллаш жараёни 20÷100 минут давомида ўрганилди. Ракция 60 минутда олиб

борилганда CsOH фаоллиги, Pha эрувчанлиги ва дисоцияланиш даражаси максимумга чиқиши натижасида AC энг юқори унум билан олинди.

1-жадвал
AC унумига реакция давомийлиги таъсири (харорат -25 °C, Pha:CsOH:RCHO 1:0.25:1; моль нисбатда, эритувчи MeOH)

Реакция давомийлиги, минут	1	2	3	4
20	41	36	39	48
40	64	54	59	69
60	82	71	76	86
80	79	67	73	82
100	71	62	66	76

AC синтези реакцияларига харорат таъсири тадқиқ қилинди. Жумладан альдегидларни этилланш реакциялари -10 °C хароратда ўтказилганда 1- 65; 2- 52; 3- 59 ва 4- 69% унум билан, -25 °C хароратда олиб борилганда 1- 82; 2- 71; 3- 76 ва 4- 86% нисбатан юқори унум билан синтез қилишга эришилди.

AC унумига бошлангич моддалар моль микдори таъсири тадқиқ қилинди. 2-жадвалдан кўриниб турибдики Pha танланган альдегидлар билан эквимольяр нисбатда олинганда AC унуми энг юқори чиқиши кузатилди. Pha ва альдегидлар микдорини 3:1 ёки аксинча нисбатларда реакция ўтказилганда эса ортиқча Pha системадаги AC билан ўзаро таъсирлашиб винилокси эфирлар ҳосил қилди ва унумнинг кескин пасайишига олиб келди.

2-жадвал
AC унумига бошлангич моддалар микдори таъсири (Реакция вақти 60 минут, харорат -25 °C, CsOH микдори Pha нисбатан 0.25 моль)

Реагентларнинг моль микдори нисбатлари	1	2	3	4
PhCCH	1	1	1	1
RCHO	1	54	48	50
	1	82	71	76
	1	76	64	69
				80

AC CsOH/NH₃/CH₃OH каталитик системаси ёрдамида синтез қилиш жараёни учун реакция давомийлиги 60 минут, харорат -25 °C, эритувчи метанол, бошлангич моддалар микдори эквимольяр нисбатларда олиб борилган ҳолат энг муқобил шаронг қилиб танланди.

Альдегидларни карбонил гуруҳи углеродига жойлашган радикаллар табиати ва уларнинг фазовий таъсир этиш хоссаига кўра реакция бориши ва маҳсулот унумига таъсир этиш қонуниятини топилиди, унга кўра кротон альдегиди < циклогексан-карбальдегид < сирка альдегид < бензальдегид бўйича этилланш реакциясини самардорлиги ошиб бориши аниқланди.


3-жадвал
Синтез қилинган AC элемент таҳлили натижалари

Таҳлил натижалари	Синтез қилинган АС											
	1			2			3			4		
	C	H	O	C	H	O	C	H	O	C	H	O
Ҳисобланган	83,81	8,26	7,93	83,31	8,15	8,54	84,77	8,65	7,58	84,19	9,47	6,34
Аниқланган	83,24	8,32	8,44	83,18	8,21	8,61	83,60	8,85	7,55	84,03	9,67	6,30

AC молекулаларнинг фазовий таъсири, молекулаларда электрон зичлиқни тақсимланиши ACD/FREE12 дастури орқали ўрганилди.



Молекулаларда электрон зичлиқларнинг тақсимланиши



Молекулаларнинг 3D фазовий структура тузилиши


7-Рasm. AC айрим фазовий тузилишлари

Танланган комплекс каталитик системаларнинг нисбий каталитик фаоллиқ катори топилиди, унга кўра AC унуми куйидаги CsOH/NH₃/CH₃OH < ZnEt₂/Ti(OⁱPr)₄/PhMe < EtMgBr/Ti(OⁱPr)₄/PhMe < Sn(OTf)₂/NEt₃/MeCN < Zn(OTf)₂/NEt₃/MeCN катор бўйича ортиб бориши аниқланди.

4-жадвал
Синтез қилинган AC айрим физик катталиклари


AC	Брутто формуласи	Молекуляр массаси, г/моль	T _{қайнаш} , °C	n _D ²⁰	d ₄ ²⁰	Ранги
1	C ₁₀ H ₁₀ O	146.2	251-253	1.5667	1.005	Рангсиз
2	C ₁₂ H ₁₂ O	172.2	153-155	1.4031	1.1784	Сариқ
3	C ₁₃ H ₁₈ O	214.3	346-348	1.569	1.1	Сариқ
4	C ₁₃ H ₁₂ O	208.26	110-112	1.618	1.099	Яшил

Ацетилен спиртларини фенилацетилен иштирокида виниллан: AC гомоген каталитик усулда Pha билан винилланш орқали молекуласида кўш ароматик халқа сақлаган AC винилокси эфирлари (BOЭ) синтез қилинди.



АС ВЭЭ унумига $\text{CsF} + \text{NaOH} + \text{DMCO}$ каталитик системанинг роли, табиати ва микдори, ҳарорат ($80-150^\circ\text{C}$) ҳамда реакция давомийлиги (4-10 соат) таъсирлари тадқиқ қилинди. Танланган ҳароратларда маҳсулот унуми 80°C да энг минимум микдорда ҳосил бўлиши кузатишган, аммо ҳарорат 100 ёки 120°C га оширилганда эса АС ВЭЭ ҳосил бўлиш селективлигининг ортishiга олиб келган ва энг юқори унум билан синтез қилишга эришилган. Танланган АС ВЭЭ синтез қилиш жараёнида 6-10 соат интервалларда олиб борилди ва реакция 8 соатда ўтказилганда маҳсулот унуми максимум чикди. Реакция 10 соатда олиб борилганда системада кўп компонентли аралашмалар ҳосил бўлиши натижасида маҳсулот унумини камайиши кузатилди. Олинган натижалар асосида АС виниллаш жараёни 8 соатда, ДМСО эритмасида, 120°C ҳароратда олиб борилганда АС ВЭЭ (5-74,1; 6-62,6; 7-69,0 ва 8-78,7%) максимум унум билан синтез қилинди.

Ацетилен спиртларини ацетилен иштирокида виниллаш: Ушбу ишда гетероген-каталитик усулларда, $\text{Ti}(\text{O}^i\text{Pr})_4/\text{C}_{\text{акт}}$ ҳамда $\text{ZnO} \cdot \text{Na}_2\text{CO}_3/\text{C}_{\text{акт}}$ катализаторлари ёрдамида танланган АС ни ацетилен иштирокида виниллаш реакцияси орқали АС ВЭ (9-12) синтез қилиш жараёни ўрганилди.



Ацетилен иштирокида АС виниллаш жараёни 1-15 соат интервалларда олиб борилди. Реакция 10 соатда олиб борилганда ВЭ ҳосил бўлиши энг самарали бўлди. АС ВЭ унумига катализатор микдори таъсир ўрганилди.

5-жадвал

АС винил эфирлари унумига катализатор $\text{Ti}(\text{O}^i\text{Pr})_4$ микдорининг таъсири (Ҳарорат, 60°C , реакция давомийлиги 10 соат)


$\text{Ti}(\text{O}^i\text{Pr})_4$ микдори, $\text{C}_{\text{акт}}$	Маҳсулот унуми, %	9	10	11	12
3	50,3	41,0	48,8	54,5	
5	58,0	52,0	55,5	62,3	
8	75,0	67,8	71,0	84,6	
10	75,6	69,1	72,2	85,2	
12	77,0	70,3	72,9	86,3	

АС ВЭ максимум унумда $\text{Ti}(\text{O}^i\text{Pr})_4$ микдори, $\text{C}_{\text{акт}}$ массасига нисбатан 8% олинганда ҳосил бўлди. $\text{Ti}(\text{O}^i\text{Pr})_4$ микдори 10 ёки 12% га оширилганда ВЭ унумида ўсиш деярли кузатилмади. Катализатор микдори минимум 3 ёки 5% микдорларда олинганда жараёнда етарли микдорда фаол марказлар, молекулалар ва карбанионлар ҳосил бўлмаслиги натижасида ацетилен диффузияси ҳам самарали натижа бермади. АС виниллаш реакцияси 60°C ҳароратда, 10 соатда, $\text{Ti}(\text{O}^i\text{Pr})_4$ микдори, $\text{C}_{\text{акт}}$ массасига нисбатан 8% олинганда 9 (75,0%), 10 (67,8%), 11 (71,0%) ва 12 (84,6%) энг максимум унум билан синтез қилинди.

$\text{ZnO} \cdot \text{Na}_2\text{CO}_3/\text{C}_{\text{акт}}$ каталитик компоненти ёрдамида АС ацетилен иштирокида виниллаш реакцияси 60°C ҳароратда, 6 соатда, $\text{ZnO} \cdot \text{Na}_2\text{CO}_3$

микдори, $\text{C}_{\text{акт}}$ массасига нисбатан 8% қилиб олинганда максимум унум билан АС ВЭ 9 (72,5%), 10 (61,5%), 11 (66,0%) ва 12 (79,4%) синтез қилинди. Олинган натижалар асосида, АС виниллаш жараёни $\text{Ti}(\text{O}^i\text{Pr})_4/\text{C}_{\text{акт}}$ га нисбатан $\text{ZnO} \cdot \text{Na}_2\text{CO}_3/\text{C}_{\text{акт}}$ ёрдамида олиб борилса ВЭ нисбатан камроқ чикди.

Диссертация ишининг “Ацетилен спиртлари синтези технологиялари ва қўлланилиши” номли тўртинчи бобида суяқ аммиак иштирокида АС синтез қилиш технологияси ишлаб чиқилган ва намуна сифатида 1-фенилгексен-4-ин-1-ол-3 ни синтез қилиш технологияси таҳлил этилган.



Резервуарлар: 2- кромон альдегиди, 3- суяқ аммиак, 4- фенилацетилен, 6- метанол, 9- суяқ, 12- диэтилэфир учун, 7- ишқор учун бункер, 1- сатуратор, 5- реактор, 8- гидролизёр, 10- сепаратор, 11- экстрактор, 13- фильтр, 14- ректификацион колонна

8-расм. Суяқ аммиак иштирокида 1-фенилгексен-4-ин-1-ол-3 ни ишлаб чиқаришнинг принципиаль технология схемаси

Бошланғич ва ишлаб чиқарилган АС физик-кимёвий ва хусусий таъсирлари аниқланган. АС ишлаб чиқариш принципиал технологик схемаси, технологик регламенти ишлаб чиқилган, технологик жараёнларни бошқариш режими, ишлаб чиқариш материал баланси ҳисобланган, техник шартлари лойиҳаси тайёрланган.

Ацетилен спиртларининг қўлланилиш соҳалари: Синтез қилинган АС “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ да нефть ва нефть маҳсулотларини олтингугуртли бирикмалардан тозаловчи препарат сифатида қўлланилганда нефть ва нефть маҳсулотлари таркибидаги олтингугурт, водород сульфид, сульфидлар ҳамда дисульфидларнинг 38-52% микдорини комплекс ҳосил қилиш усули ажратиб олишга ва нефть маҳсулотлари сифатини оширишга эришилган. Шунингдек АС саноат қорхоналари айланма оқава сувлар таркибида туз қатлам ҳосил қилувчи компонентларга қарши ингибиторлик хоссалари “Ohangatonsent” АЈ ўрганилди. Натижалар шуни кўрсатдики, оқава сувлар таркибида туз қатлам ҳосил қилувчи намуналарга қарши АС таъсирчанлигининг фаоллиги, уларнинг металл катионларини ўзидан сақлаб қолиш селективлиги (89,0%) аниқланди.

ХУЛОСАЛАР

1. Турли хил табиатта эга бўлган альдегидлар– сирка альдегиди, кротон альдегиди, циклогексан карбальдегид, бензальдегидни фенилацетилен билан реакциялари ўрганилган. Молекуласида алифатик ва карбоциклик ўринбосарлар сақлаган альдегидларни цезий, рух, калай ва титан бирикмалари асосида тайёрланган комплекс каталитик системалар ёрдамида энантиоселектив этиниллаш реакциялари орқали ацетилен спиртларини синтез қилишни янги усуллари келтирилган.
2. Ацетилен спиртларини синтез қилишда қўлланилган комплекс каталитик системаларнинг нисбий каталитик фаоллик қатори кўрсатилган, унга кўра $\text{CsOH}/\text{NH}_3/\text{CH}_3\text{OH} < \text{ZnEt}_2/\text{Ti}(\text{O}^i\text{Pr})_4/\text{PhMe} < \text{EtMgBr}/\text{Ti}(\text{O}^i\text{Pr})_4/\text{PhMe} < \text{Sn}(\text{OTf})_2/\text{NEt}_3/\text{MeCN} < \text{Zn}(\text{OTf})_2/\text{NEt}_3/\text{MeCN}$ қатор бўйича катализаторларнинг селективлиги, самарадорлиги, стабиллиги ва маҳсулот унуми ортиб бориши аниқланган. АС ни $\text{Zn}(\text{OTf})_2/\text{NEt}_3/\text{MeCN}$ комплекс каталитик система ёрдамида синтез усули энг самарадор эканлиги тавсия этилган.
3. Альдегидлар молекуласининг тузилиши, формил гуруҳига боғланган ўринбосарлар табиати ва фазовий жойлашувининг ацетилен спиртлари ҳосил бўлишига таъсири, альдегидларни этиниллаш реакциялари самарадорлик қатори ишлаб чиқилган, реакция механизмлари таклиф этилган, жараёнларнинг муқобил шароитлари топишган, кинетик ўзгаришлари аниқланган, синтез қилинган бирикмаларнинг тузилиши, таркиби ва тозаллиги замонавий физик-кимёвий тадқиқот усулларида ёрдамида исботланган ҳамда қўлланиш соҳалари бўйича тавсиялар берилган.
4. Синтез қилинган ацетилен спиртлари винил эфирлари гомоген ва гетероген каталитик усулларда, юқори асосли- $\text{CsF}/\text{NaOH}/\text{DMCO}$ ҳамда турли ўлчамдаги фаолланган кўмирга ишқорий ёки оғир металлари шимдириш орқали тайёрланган нанотузилишли каталитик системалар $\text{Ti}(\text{O}^i\text{Pr})_4/\text{C}_{\text{акт}}$ ва $\text{ZnO}\cdot\text{Na}_2\text{CO}_3/\text{C}_{\text{акт}}$ ёрдамида синтез қилишнинг самарали усуллари ишлаб чиқилган.
5. Маҳаллий хом-ашёлар асосида танланган ацетилен спиртларини олишнинг ресурс тежамкор, иқтисодий арзон, экологик тоза ишлаб чиқариш технологиялари тавсия қилинган.
6. Синтез қилинган ацетилен спиртлари нефть маҳсулотлари сифатини оширувчи ингибитор сифатида қўлланилган ва нефть маҳсулотларини олтингугуртли бирикмалардан тозаловчи ва ёқилги ишлаб чиқаришда октан сонини оширувчи препаратлар сифатида фойдаланилган.
7. Ацетилен спиртлари саноат корхоналари оқава сувларида қатлам ҳосил қилувчи компонентларга қарши ингибитор сифатида фойдаланилган ва оқава сувлар таркибидати металл ионлари ва туз ҳосил қилувчи кислота анионларини миқдорини камайтирувчи ингибитор сифатида қўлланилган.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc03/30.09.2020.K.82.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ
ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ

АБДУРАХМАНОВА САИДА САБИДОВНА

ТЕХНОЛОГИЯ КАТАЛИТИЧЕСКОГО СИНТЕЗА АЦЕТИЛЕНОВЫХ
СПИРТОВ НА ОСНОВЕ ФЕНИЛАЦЕТИЛЕНА И НЕКОТОРЫХ
АЛЬДЕГИДОВ

02.00.03 – Органическая химия

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (РФД) ПО
ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ

Чирчик – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019.2.PhD/K187.

Диссертация выполнена в Чирчикском государственном педагогическом институте Ташкентской области.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета (www.esri.uz:ilmiy-kengash) и на Информационно-образовательном портале «Ziyou» по адресу (www.ziyou.net.uz).

Научный руководитель:
Зиявуддин Одилов Эгамбердиевич
Доктор химических наук, доцент

Официальные оппоненты:
Махсумов Абдулхамид Гафурович
Доктор химических наук, профессор

Тургунов Эрхан
Доктор химических наук, доцент

Ведущая организация:
Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «24» XII 2021 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета ДС.03/30.09.2020.К.82.02 по присуждению ученых степеней при Чирчикском государственном педагогическом институте Ташкентской области. (Адрес: 111720, Ташкентская область, г. Чирчик, ул. Амира Темура, дом 104. Тел.: (+998) 70-716-68-05; факс: (+998) 70-716-68-11; e-mail: tvchdri.k.kengash@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области. Адрес: 111720, Ташкентская область, г. Чирчик, ул. Амира Темура, дом 104. Тел.: (+998) 70-716-68-05; факс: (+998) 70-716-68-11 (зарегистрирована за № 62).

Автореферат диссертации разослан «13» XII 2021 года
(реестр протокол рассылки № 7 от 13 XII 2021 года).



Д.А. Гафурова
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.х.н., доцент

Г.К. Отамухамедова
ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, (PhD) доктор филологии по химическим наукам

А.Г. Махсумов
Председатель научного семинара по научным советам по присуждению ученых степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сегодня производство востребованных лекарств ежегодно растет во всем мире за счет внедрения новых инновационных технологий в синтезе органических веществ на основе углеводородов. Являясь актуальным использованием активных катализаторов при синтезе ацетиленовых спиртов из природного сырья, выполнение технологических расчетов управления технологическим процессом, а также использование ацетиленовых спиртов в производстве высококачественных лекарственных препаратов в резиновой, лакокрасочной промышленности, медицине и других отраслях промышленности, а также синтезировать новые вещества с введением функциональных групп на эти препараты.

Во всем мире проводятся обширные исследования по синтезу ненасыщенных спиртов и диолов с использованием новых каталитических систем, изучению влияния различных факторов на выход продукта, разработке производственных технологий и определению областей их применения. В связи с этим особое внимание уделяется синтезу ацетиленовых спиртов, разработке технологического процесса, определению их химических, энергетических и механических свойств, состава и структуры, на их основе синтезировать новые бициды, ингибиторы, растворители и полимеры и определить физико-химические свойства.

Эффективное использование местного сырья и отходов при синтезе новых видов химии, конкурентоспособных на мировом рынке в нашей Республике, реализация программы локализации в производстве, разработка методов получения импортозамещающих соединений для экспорта, а также из них проводятся научные исследования для определения областей применения в нефтегазовой, химической, строительной, фармацевтической и энергетической отраслях, и уже достигаются определенные результаты. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан ставит важные задачи по «освоению производства принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечивая тем самым выпуск конкурентоспособной отечественной продукции на внешнем и внутреннем рынках». В связи с этим ведется разработка новых технологических процессов синтеза ацетиленовых спиртов и их производных с использованием ацетиленовых углеводородов, их состава, структуры, физико-химических свойств и их использование в качестве ингибиторов в химической, нефтегазовой и резиновой промышленности имеет особое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 21 августа 2020 г. № ПП-4805 «О мерах по повышению качества непрерывного образования и научной эффективности в области химии и биологии», 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № ПП-3983 от 25 октября

1. Узбекистан Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг аниқла ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Қарори.

2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Узбекистана», № ПП-3479 от 17 января 2018 года «О мерах по обеспечению устойчивого обеспечения экономики страны востребованной продукцией и сырьем», № ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию химической отрасли и повышению ее инвестиционной привлекательности», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Узбекистана VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Ацетиленовые спирты были синтезированы из аминов на основе магний-органических соединений по реакции Гриньяра-Иоиджа, а также с использованием высокоосновных каталитических систем по реакции Фаворского, на основе которой были синтезированы простые и сложные эфиры, но на основе фенилацетилена с использованием катализаторов, содержащих тяжелые металлы не были синтезированы ацетиленовые спирты и их сложные виниловые и винилоксидные эфиры, а также технологии их производства не проводились, квантово-химические параметры, биологическая активность и сферы применения образующихся соединений не были изучены.

За рубежом о синтезе ацетиленовых спиртов на основе каталитических систем на основе щелочных металлов можно сослаться на научные работы Е.Г.Шмидта в этом направлении. Fatma Lazreg применив каталитически активные катионные комплексы в синтезе ацетиленовых спиртов, Gui Lu и David Moore используя асимметричные алкилирующие каталитические компоненты, Bату M. Trost используя каталитические промоторы с двойным лигандом, Л.В.Снегур получив ненасыщенные спирты на основе элементно-органических соединений, А.А.Gitlani создав ингибиторы кислотной коррозии железных и стальных материалов из ацетиленовых спиртов, Yusheng Xi применив ацетиленовых спиртов для производства высококачественного бензина внесли огромный вклад в развитие этого направления.

В связи с этим ряд ученых в области химии и технологии соединений ацетилена проводят исследования и в нашей Республике. В частности, А.Г.Махсумов проводит исследования по синтезу и биологической активности гетероциклических производных ацетиленовых спиртов, Э.Тургунов проводит исследования по синтезу первичных, вторичных, третичных ацетиленовых спиртов и диолов на основе реакций Гриньяра-Иоиджа и Зандмисера, А.Икумов проводит исследования по реакциям и технологиям ароматических ацетиленовых спиртов с ацетиленом с использованием различных гетерогенно-каталитических систем, С.М.Турбожонов проводит исследования, основанные на синтезе фосфатных солей ряда ацетиленовых спиртов, Р.В.Аликулов проводит исследования по получению биологически активных соединений на основе реакций колмана с некоторыми ацетиленовыми спиртами,

выделенными из дикого растения желтого безвременника (sавринжон) (Colchicum luteum).

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование проводилось в соответствии с планом научно-исследовательских работ Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области в рамках фундаментального проекта №ФЗ-20170926416 «Извлечение ионов металлов из технологических растворов и сточных вод с участием ионообменников на основе местных сырья» (2018-2020 гг.).

Целью исследования является синтез ацетиленовых спиртов с использованием различных каталитических систем, разработка их синтеза и технологии виниловых эфиров, а также определение областей применения синтезированных соединений.

Задачи исследования:

разработка методов синтеза ацетиленовых спиртов с использованием новых каталитических систем на основе фенилацетилена и альдегидов; предложить механизм и химизм реакций синтеза ацетиленового спирта, определить распорядки контроля и управления процессами, а также определить альтернативные условия;

разработка ряда относительных эффективностей синтеза ацетиленовых спиртов на основе природно выбранных альдегидов, а также ряда относительной каталитической активности используемых комплексных каталитических систем; разработка технологий производства ацетиленовых спиртов, исследование и внедрение их целевого применения в нефтегазовой и химической промышленности;

синтез сложных виниловых эфиров ацетиленовых спиртов гомогенными и гетерогенно-каталитическими методами и определение их биологической активности.

В качестве объекта исследования были выбраны фенилацетилен, ацетилен, искусный альдегид, кротоновый альдегид, циклогексан карбальдегид, бензальдегид, ацетиленовые спирты, виниловые эфиры, комплексные каталитические системы.

